



THE PLACE OF TRADE IN THE DIPLOMATIC RELATIONS OF THE BUKHARA EMIRATE WITH INDIA

Nozimjon Ikhtiyorovich Ibrokhimov

Researcher

Bukhara State Pedagogical Institute

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara Emirate, India, Afghanistan, cities, trade, import, export, products, caravan, kimhob, cotton, wool, surp.

Received: 27.01.24

Accepted: 29.01.24

Published: 31.01.24

Abstract: in the second half of the 19th century, at the beginning of the 20th century, the Bukhara Emirate actively conducted trade and commerce with India. During this period, the share of agricultural and handicraft products in trade between the two countries was high. Spices, carpets, silk gauze products, tea, textiles, and medicines were brought from India to Bukhara. Bukhara mainly exported silk and cotton fabrics, black leather, wool and wool products to India.

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИДА САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ

Нозимжон Ихтиёрович Иброҳимов

Тадқиқотчи

Бухоро давлат педагогика институти

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Ҳиндистон, Афғонистон, шаҳарлар, савдо-сотик, импорт, экспорт, маҳсулотлар, карвон, кимхоб, пахта, жун, сурп.

Аннотация: XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухоро амирлиги Ҳиндистон билан фаол савдо – сотик ишларини олиб борди. Бу даврда икки мамлакат ўртасида олиб борилган савдода асосан қишлоқ ҳўжалиги ва хунармадчилик маҳсулотларининг улуши юқори бўлган. Ҳиндистондан Бухорага зираворлар, гиламлар, ипак газламалардан тайёрланган буюмлар, чой, тўқимачилик маҳсулотлари, дори-дармонлар, олиб келинган. Бухородан Ҳиндистонга асосан ипак ва пахта

матолари, қоракўл териси, жун ва
маҳсулотлар экспорт қилган.

МЕСТО ТОРГОВЛИ В ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЯХ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С ИНДИЕЙ

Нозимжон Ихтиёрович Иброхимов

Исследователь

Бухарский государственный педагогический институт
Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухарский эмират, Индия, Афганистан, города, торговля, импорт, экспорт, продукты, караван, кимхоб, хлопок, шерсть, сурп.

Аннотация: во второй половине XIX века, в начале XX века Бухарский эмират активно вел торговлю и коммерцию с Индией. В этот период доля сельскохозяйственной и ремесленной продукции в торговле между двумя странами была высока. Из Индии в Бухару привозили пряности, ковры, изделия из шелковой марли, чай, текстильные изделия, лекарства. Бухара в основном экспортировала в Индию шелковые и хлопчатобумажные ткани, черную кожу, шерсть и изделия из нее.

КИРИШ

Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихи қадимги давларга бориб тақалади. Бухоро амирлиги узоқ йиллар давомида Хива ва Қўқон хонликлари билан низоли сиёsat олиб борди. Ўзаро келишмовчилик сиёsatи натижасида ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори савдо муносабатларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказган. XIX асрнинг 50-80-йилларда Бухоро амирлигининг Афғонистон билан муносабатларининг ёмонлашуви нафақат бу мамлакатлар ортасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди, балки Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқаларига ҳам маълум даражада таъсир қилганлигини кўриш мумкин. Лекин бу даврда Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борилган савдо алоқалари тўхтаб қолмади. Архив манбалари ва илмий адабиётларда икки мамлакат ўртасида амалга оширилган савдо-сотиқ ишларига доир маълумотлар келтирилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бухоро амирлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-сотиқ асосан Бухоро, Қарши, Термиз, Карки, Чоржўй шаҳарлар ҳамда Ҳиндистоннинг Пешовар, Шикапур, Бомбей, Мўлтон каби шаҳарлари орқали амалга оширилган. [1]. Бухоро амирлигидан Ҳиндистонга асосан Бухородан Ҳиндистонга асосан ипак ва пахта матолари, қо‘зичоқ териси, жун, ро‘мол экспорт қилганлар. Маълумотларга кўра гоҳида бухоролик савдогарлар бошқа зарур

товарлар билан бирга рус саноатида ишланган маҳсулотлари, олтинлар ҳам олиб чиқилган. Ҳиндистондан Бухорога зираворлар, гиламлар, ипак газламалардан тайёрланган буюмлар, чой, то‘қимачилик маҳсулотлари, дори-дармонлар, пахмоқ каби маҳсулотлар олиб кирилган. [2].

XIX асрнинг 60-70 йилларида Бухоро амирлигидан Ҳиндистонга хом ипак, ип-газлама, жун, эчки тивити, от, гиламлар, бодом, майиз, қуритилган мевалар, Россия ва Бухоро олтинлари, кумуш пуллар, Россиядан келтирилган гулдор духобалар экспорт қилинган [4]. В.И. Низомутдиновнинг тадқиқоти ишида ҳам Ўрта Осиё хонликларидан Ҳиндистонга энг қўп экспорт қилинадиган маҳсулотлар ипак, тибет эчкилари, отлар, гашиш ва олтин бўлганлиги кетирилган [5]. А.К. Гейнс Ҳиндистон ва Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги савдо муносабатларига оид тадқиқотида муҳим маълумотлар келтириб ўтган. Унда Ҳиндистонга Ўрта Осиё давлатлари жумладан амирликдан ипак газмалалар, ипак, эчки жуни, нашаванд, Қўқондан эса отлар савдога чиқарилиб бундан савдогарлар катта фойда кўрганлиги таъкидланган [6].

Бу даврга келиб ҳам Ҳиндистон Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлиб келди. Шу боисдан Ҳиндистонни витсеқирол бошчилигидаги амалдорлар ва политсия ёрдамида бошқарилди. Инглиз мустамлакачилиги даврида Ҳиндистонда сармоядорликка асосланган маҳаллий ишлаб чиқариш тизимиға мослаша бошлади. Натижада йирик саноат корхоналари қурила бошланди. Мсалан, 1886-йилга келиб Ҳиндистонда 95 та тўқимачилик саноати билан боғлиқ фабрика бор эди. Шунингдек, конлар сони, темирйўл тармоқлари кенгайди. Бу ўзгаришлар хомашё тайёрлаш ва уларни ташишда муҳим аҳамият касп этган. Буюк Британия ҳукмати Ҳиндистонда саноат ишларини ўзига қулай бўлган жойларда қуришга ҳаракат қилди.

Мамлакатда саноат ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши маҳсулотлар ҳажмининг ортиб, боришига сабаб бўлди. Бунинг замирида хориж давлатлари билан савдо - сотик масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошлади. XIX асрнинг 70-80-йилларда Ҳиндистондан Бухорога импорт қилинган маҳсулотларнинг ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бу йилларда Ҳиндистондан Бухорога 70 минг пуд чой, 18 минг пуд нил (маскара) ёки 1400 ўрам, 80 пуд бўёқ, 50 дона кашмир гиламлари, 30 дона олтиндан то‘қилган ҳинд маҳсулотлари олиб келинган [7]. Кейинчалик ҳинд товарлари импорти тобора ортиб борди. Расмий ма’лумотларга ко‘ра (1881-йилда) Ҳиндистондан Бухорога ҳар йили 300 та туяда 600 та то‘п, ҳар бири 2400 дона матодан, жами 1440 минг дона юк ташилган [8].

Ҳиндистондан Бухоро амирлигига энг қўп импорт қилинадиган маҳсулот чой ҳисобланган. 1860 йили Ҳиндистондан Бухорога 84 минг пуд чой келтирилиб, Бухородаги 6 та карвонсаройга жойлаштирилган. Масалан, “Саройи Абдурашид” бир йилда 3 минг түя,

“Саройи Мирзагул” 1500 тую, “Саройи Бадриддин” эса 1200 тую чойни қабул қилган. XIX асрнинг 70–80-йилларида Бухорога 112 минг пуд кўк чой, 23 минг индиго, 20 минг пуд кисей олиб келинган[8]. Кушбегининг Бухородаги рус сиёсий агентига (1886 йил октабр) берган ахборатида 1886-йили Ҳиндистондан Афғонистон орқали Бухорога 200 тужда чой олиб келингани баён қилинган[9]. М.А.Терентьев ҳам амирликдаги чой савдосига тўхталиб: “Бизнинг мавқеимиз Бухорода жуда ҳам заиф, бу бозорлар бизлар учун бутунлай бегона” [10], – дея эътироф этган. Улар шу тариқа ўзларининг этиrozларини Россия ҳукуматига билдирган.

Бухоро бозорларида Ҳиндистондан келтирилган чой анча арzon бўлиб, бир пуд чой 20-28 рублгача баҳоланганд. Шунинг учун ҳам Бухоро савдогарлар хинд чойининг бир пудга 14 рубль 40 коп. бож тўлаб, Туркистон ўлкасига чиқарган ва Тошкент бозорида бир пуд чойни 54 рублдан сотишган. Бож пулини қўшиб ҳисоблаганда савдогарлар чой савдосидан 11 рубль 60 коп.дан, бож тўланмай яширин олиб ўтилганда эса ҳар бир пуд чойдан эса 26 рублгача фойда кўрган. Туркистон ўлкасида Ҳиндистондан келтирилган нил бўёғига ҳам талаб юқори бўлиб, бозорларда анча қиммат сотилган. Масалан савдогарлар бир пуд нил бўёғи учун 6 рублдан бож тўлаган бўлсада, пудидан 36 - 38 рубльдан фойда олишган[11].

1887-йилда Ҳиндистондан Афғонистон орқали Бухоро бозорларига 15 маротаба карвонлар келиб кетган [12]. Улар орасида амирлик бозорларида нархи анча қиммат бўлган 1400 дона дока ва оқартирилмаган чит, 250 дона Кашмир гиламлари, Ўрта Осиёда машхур бўлган 300 дона олтиндан тўқилган қимхоб бўлган маҳсулотлари ҳам келтирилган. Мавжуд илмий адабиётларда Бухоро – Ҳиндистон савдо алоқалари тўғрисида турли хил статистик маълумотлар келтирилган. Масалан, Э.Я.Люстерник келтирган маълумотларда 1889-йилда Ҳиндистондан Афғонистон орқали Бухорога 2924420 рубль, 1890-йилда эса 2336000 рубллик маҳсулотлар келтирилгани баён қилинган [13]. А.Я. Соколовнинг маълумоти бўйича шу йилларда Бухорога Ҳиндистондан 2 336 510 рубллик маҳсулотлар олиб келингани эътироф қилинган.

А.Ф Губаревич-Родобльский келтирган маълумотларга эътибор берсак, 1889 йили Ҳиндистондан Қобул орқали Бухоро амирлигига 35 400 пуд Хитой чойи, 11 360 пуд хинд кўк чойи, 14 минг пуд индиго, 6 320 пуд дока рўмол, 90 пуд амборсари шалиси, 170 пуд хинд парчаси, 720 пуд қалин оқ сурп (пахтадан тўқилган мато) – жами 3 млн. 375 584 рубллик моллар олиб кирилган. 1890 йилда 10 200 пуд Хитой чойи 570 пуд хинд кўк чойи, 7 200 пуд индиго, 3 040 пуд дока рўмол, 60 пуд амбарсари шалиси, 40 пуд Кашмир шалиси, 70 пуд хинд парчаси, 40 пуд қалин оқ сурп – жами 1 млн. 147, 500 рубллик маҳсулот олиб кирилганини борасида сўз юритилган [14].

1891-94-йилларда Ҳиндистондан Бухоро бозорларига 4 млн 774 минг рубллик савдо маҳсулотлари олиб келинган. Шундан 1891-йилда - 233 880 рубль 1892 йилда - 910 568 рубль, 1893 йилда - 1835312 рубль, 1894 йилда эса 1066344 рубллик маҳсулотлар келтирилган. Статистик маълумотларни таҳлил киладиган бўлсак 1892-йилда Ҳиндистондан Бухорога олиб келинган савдо моллари сезиларли даражада қисқариб кетганигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб бу даврда Ҳиндистонда вабо эпидемияси тарқалиши, шунингдек, Афғонистонда хазарлар томонидан кўтарилилган қоўзғолон ҳам икки мамлакат ўртасида амалга оширилган савдо алоқаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказган.

1894 йили 1 июлда амирлик ҳудуди ҳам Россия божхонаси доирасига киритади. Шундан сўнг Бухоро амирлиги ҳудудига олиб кириладиган чет эл товарларига юқори бож тўловлари жорий этилади ва оқибатда Бухоро амирлиги ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо айланмаси 5млн рублдан 800минг [17] рублга тушиб кетганини кўрамиз. Бунинг яққол мисоли сифатида импорт қилинадиган товарлар ҳакида аникроқ тасаввурга эга бо'лиш учун И. Ремез томонидан тақдим этилган ма'лумотларга мурожаат қилсак XX аср бошларида, И.Ремез та'кидлаганидек, Бухорога 800 минг рубл миқдорида ёки мамлакатга олиб кирилаётган барча товарларнинг 2% миқдорида Ҳиндистондан импорт қилинадиган товарлар олиб келинган. Улардан 500 минг рубллик тайёр маҳсулотлар ва 300 минг рублга ярим тайёр маҳсулотлар, завод товарлари ва бошқа товарлар импорт қилинди.

1911-1913-йилларда Бухоро амирлигидан Ҳиндистонга 500 минг со‘млик товар экспорт қилинган. Шу жумладан, 250 минг со‘млик товарлар тайёр маҳсулотлар бўлиб, 250 минг рубл эса ярим тайёр маҳсулотлар ва завод маҳсулотлари бўлган. Бу товарлар Бухоро амирлигининг сотиш учун мо‘лжалланган товарларининг 1,4 фоизини ташкил этган [18]. 1911- 1914 йилларда Ҳиндистондан Бухорога олиб келинган жами маҳсулотлар қиймати 1 млн. 300 минг рублни ташкил қилган[19]. Бу ҳолатлар юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, Россиянинг Бухоро амирлиги божхона тизимини ўз назоратига олиши билан ички ва ташқи бож нархларининг ошиши, шунингдек, бекарор сиёсий вазият ва бошқа сабаблар Бухоро Ҳиндистон савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Т. Расул-задо “Туркистон вилояти газетаси” да берилган маълумотларни таҳлил қилиб Бухоро амирлигидан бир йил давомида 1214400 пуд (15 миллион рублдан ортиқ) савдо моллари экспорт қилинганини таъкидлаган. Бу маҳсулотлар хориж давлатлари ўртасида қуйидагича тақсимланган:1210000 пуди Россияга (12500100 рубль), 2300 пуди Эронга (2 120 000 рубль), 2 100 пуди (420 000 рубль) Ҳиндистонга чиқарилган[20].

Хисор беклиги бозори Бухоро амирлигининг Шарқий қисмидаги муҳим савдо марказларидан бири саналган. Бу ерда нафақат маҳаллий аҳоли, балки афғонлар, араблар,

лўълилар, ҳиндлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам савдо-сотиқ ишларни олиб боришган. Ҳисор бозорига Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шеробод шаҳарлари ва Хиндистон, Афғонистон, Эрон, Россия ва бошқа хориж давлатларидан олиб келинган маҳсулотлар савдога чиқарилган. Бозорда ҳар бир савдо тармоғи ўзига хос номи билан юритилган. Масалан, устки кийим сотиладиган жой, кавуш (поябзал), қассоблар (гўшт сотиладиган), сабзавот ва мевалар, сариёғ, балиқ, темир ва бошқа маҳсулотлар сотиладиган қисмларга ажратилган. Бу бозорларда ҳам бир қанча ҳиндлар ва бухоролик яхудийлар савдо-сотиқ билан шуғулланган. XV асрдан XX-аср бошларига қадар Ҳисор водийсида ички савдо билан бир қаторда ташқи савдо ҳам кенг ривожланган. Ҳисордан савдо карвонлари Кобул, Ҳирот ва Хиндистонга борган[21].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак XIX асрнинг иккинчи ярми – XX бошларида Ҳиндистондан келтирилган савдо молларига Ўрта Осиёда эҳтиёж ошди. Ҳиндистондан келтирилган чой ва бошқа маҳсулотлар Бухоро бозорларида рус маҳсулотларига нисбатан анча арzon сотилиши XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Россия империяси Бухоро бозорларини ўзига мослаштириш ва ўз манфаатларига хизмат қилдиришга доир чораларни кучайтиришига сабаб бўлди. Натижада XIX асрнинг охирига келиб инглиз-ҳинд молларини Бухоро ва Туркистонга киритиш учун қўшимча божлар жорий қилинди. Бу даврда Бухоро амирлиги ўз иқтисодий мустақиллигини йўқотиши, қўшни мамлакатда сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги, ташқи савдода солиқларнинг ошиб кетиши ҳам савдо алоқаларига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ф.Б.Очилдиев. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2022 . – Б.214.
2. Вамбери Г. История Бухары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего.-т.1, 2.- СПБ.,1873. С.214.
3. Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии. // Записки императорского Русского Географического общества Кн X. - СПб, 1855. – С. 24.
4. Раззоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари ... – Б. 127.
5. Низомутдинов В.И. Из истории экономических и политических отношений Индии со Средней Азией // Звезда Востока, 1958. – С.151-152.
6. Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. Т. II СПб, 1888, С- 532-533.
7. Расул-заде Т. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX-начале XX в.- Ташкент, 1958. – С.68.

8. Ochilidiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.
9. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX - начало XX столетия) Диссертатсия. Душанбе - 2005. С.97-98
10. Терентьев М.А. Англия и Россия в борьбе за рынки. – СПб., 1876. – С. 62.
11. Разоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари. – Тошкент. 1994. – Б. 139.
12. Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. -Ташкент., 1971 – С.104.
13. Люстерник Е.Я. Русско-индийские экономические связи в XIX веке. – М., 1958. – С. 54.
14. Губаревич-Родобльский А.Ф. Материалы для изучения хлопководства ... – С. 107.
15. Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии ... – С. 130
16. Ремез А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. - Ташкент, 1922.-С. 106
17. Ochilidiyev, F. B. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 60-80 YEARS OF XX CENTURY. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(06), 38-45.
18. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны ... – С. 15.
19. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX - начало XX столетия) Диссертатсия. Душанбе - 2005. – С.97
20. Расул-заде Т.Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX-начале XX в.- Ташкент, 1958. - С.67-68.
21. Мухторов А. Хисор. Очерки таърихи (охири асри XV - аввали асри XX). - Душанбе, 1995. – С.190-193.
20. Ibrokhimov, N. I. . (2023). TRADE RELATIONS BETWEEN THE EMIRATE OF BUKHARA AND INDIA IN THE SECOND HALF OF THE 19TH CENTURY - THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(06), – P. 9–15.
21. Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидағи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, – 168.6.
22. Yunusova, K., Ismailov, M., Karimov, N. R., Madraimov, A., Masalieva, O. M., Zoyirov, E. K., & Rasulov, A. B. (2023). Amir Temur's Leadership Skills and Martial Arts. *Migration Letters*, 20(S11), 689-699.